



ЎЗБЕКИСТОНДА МУЗЕЙЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.

Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музей илмий ходими.

З Комилова.

“Ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган аждодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган беқиёс бойликларимиз бор. Ва мен ишонаманки насиб этса ҳавас қиласидиган санъатимиз ва адабиётимиз ҳам бўлади.” Ўзбекистон Республикаси Президенти М.Мирзиёев.

Ҳар бир ҳалқнинг ўзигагина ҳос бўлган тарихи, ўз тараққиёт йўлига эгалиги мавжуд. Аждодларимиз яратган қадриятларни бойитган ҳолда келажак авлодга етказиш ҳар бир ҳалқнинг ижтимоий ёки маданий-маънавий тараққиётининг таомилларидан ҳисобланади. Шу жумладан музейларнинг жамланмаларида сақланаётган турли тарихий ашёларни тақдимот ва тарғибот этиш, уларни ўргатиб бориш, миллий хунармандчилигимизнинг наъмуналарини омма онгига етказа билиш музейлар илмий ходимларининг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Дарҳақиқат музейлардаги моддий меросни сақлашда дастлабки маскан сифатида ҳалқаро ташкилотларнинг доимо эътиборида бўлиб келган. Бундай вазифаларни бажаришда турли Ўзбекистон музейлари фаолиятида сезиларлидир. Ўзбек ҳалқининг кулолчилик, темирчилик, мискарлик, кандикорлик, заргарлик, ёғочсозлик, каштачилик каби ўнлаб ҳунарлар турлари ибтидоий жамоа давридан токи шу кунгача етиб келган. Аждодларимиз томонидан яратилган асори – атиқаларимизни музейларимизнинг турли хилдаги жамланмаларида асрлар давомида асрлаб келинмоқда. Қадимги муаррих ва ўрта аср алломалари дунё ҳалқларининг тарихи ҳамда маданий ёдгорликларни ўрганиш юзасидан олиб борган илмий тадқиқотлари асосида инсоният тафаккурининг ўзан тамоили



хисобланган тарихий хотира маданияти вужудга келган.Шуни такидлаш керакки,антик ва ўрта аср тарихчи сайёхлари томонидан ёзиб қолдирилган йилнома ва саёҳатномалар кейинги авлодларга аждодлар яратган моддий ва маънавий бойликлар ҳақида манбаалар беради. Бундай манбаалар билан танишар эканмиз, ҳар бир элат ўзлигини англаш, мавжуд меъросларимизни миллий ифтиҳор эканини билиш зарурлигини билдириб туради. Азалдан одамзод яшашда давом этар экан, тафаккурлари кенгайиб, ўзига керакли буюм,анжамларни ясай оладиган ақл эгасига айлана бошлаган.Бу жараён давом этиб, ҳар куни қандайдир янги ускуналар яратилишига эҳтиёж пайдо бўлган.Шу аснода хунармандчиликнинг турфа хиллари асиirlар оша аста шаклланиб борган.Кулолчилик, кандикорлик, дурадгорлик, темирчилик, мискарлик каби хунармандчилик йўналишлари кенг ривожланган.Инсоният тарихига назар ташласак, дастлаб сопол буюмларга асос солинган.Сополдан оддийдан мураккабликка қараб ишлов бериб борилган ва уни пишириб керамикага асос солинган эди. Жумладан шарқда мисдан турли буюм ясаш мелоддан аввалги тўртинчи минг йилликларда пайдо бўлган эканлиги илмий манбааларда ёзилган. Ўрта Осиёдан аввал турли мис тангаларга Лидия давлатида асос солинади.Манбааларга кўра еттинчи асрда Суғдиёна давлатида 1 кг мисдан ўртacha 425 та танга, саккизинчи асрда эса 1 кг мисдан 963 та танга зарб зтилган экан.Фарғона водийсининг Чуст туманида қадимги маданиятга оид пичоқ, ўроқ ва зираклар топилган. Жездан эса хукумдорларнинг муҳрлари ясалиб, уларда илон,бургут кабиларни тасвири зарб этилган. Бешинчи асрга оид бўлган Суғдиёна ва Хоразмда металдан бадиий безак буюмлари, ўн иккинчи асрларда меҳнат қуроллари,харбий аслаҳалар,рўзғор анжомлари ясалган.Араб сайёҳи Муқаддасийнинг ёзишича ўнинчи асрларда араб мамлакатларига Самарқанддан катта мис қозонлар, турли хилдаги нафис мис қадаҳлар,Бухородан мис чироқлар келтирилган.Самарқанднинг Регистон майдонидан топилган ўн тўртинчи- ўн олтинчи асрларга оидбўлган турлича жез буюмлари хазинасида кандикор идишлар,тилла,кумуш,қизил мисдан ясалган буюмлар наъмунаси уша давр



мискарчилигини ривожланганидан дарак беради. Дунё ахлининг эътирофига сазовор бўлган Европа Уйғониш даврига пайдевор ясаган ва бугунги Янги Ўзбекистоннинг қуришдек улуғ мақсадимизга замин яратиб бермоқда. Дунё халқлари каби Ўзбекистон халқининг ҳам ўз тарихи ва тараққиёт йўли мавжуддир. Аждодларимиз яратган анъана ва қадриятларни бойитган ҳолда келажак авлодга етказиш ҳар бир халқнинг ижтимоий ёки маданий-маънавий тараққиётини барча даврий босқичларда асосий тамоилларимиздан ҳисобланиб келган. Ҳозирги замон шароитида ўтмишнинг тарихий, маънавий, бадиий ва ишлаб чиқариш таржибаларини турли йўналишларини музейлар тармоғлари томонидан таништириш ишларини бажариб борилади. Давлат ижтимоий муассасалари сифатида, ижобий тарихий хотирани шакллантиришда музейлар аҳамияти ривожланиб бормоқда. Тарихан ҳар бир халқ ёки миллат ўзининг минг йиллик анъана, урф-одат, маросимлари билан бошқа миллатлар билан ажralиб туради. Бунга яна бир қатор маънавий тушунчаларни ҳам мисол этишимиз мумкин. Аммо оддий халқ ишонадиган ва унга риоя этадиган шундай маънавий, диний тадбиру маросимлар борки, буни бошқа ҳалқларда учратмаслик мумкин. Шу боис ҳам ҳар бир халқнинг ўзлигини номоён этиб турувчи мерослар қадимдан сақланиб келинганлиги бежиз эмас. Ўзбекистон музейларининг фаолиятини тахлили шуни билдириди, тарихий хотира ва музейнинг ўзоро боғлиқлиги муаммолари қадимшунос, жамиятшунослар, тарихчилар, файласуфлар, музейшунослар каби ижтимоий фанлар мутаҳасислари жуда ҳам мухим ҳисобланади. Музейларнинг ҳазиналари жамланмаларида сақланиб келаётган тарихий ашёларни тақдимот ва тарғибот этишда музейларнинг илмий тадқиқот ишлари ва шунингдек экспозитциялари асосий ўрин тутади. Ҳалқимиз орасида ўтмиш сирларига барча қизиқади шу боис ҳам музейлардаги кўргазма заллари доимо гавжумдир. Ўзбекистон музейларининг ҳозирги замоннинг амалиётида аксар ҳолатда анъанавий шакллар қўлланилиб, бу мавзуй ва умумий бўлган экскурсиялар,



маърузалар,илмий ўқишилар,викториналар,турли мавзудаги кино-фильмлар, намоишлари,таниқли инсонлар билан учрашувлар ҳам шулар сирасига киради.Сўнги йилларда экспедицияларнинг янги шаклларини тадбиқ қилиш ишларининг тажрибавий лойиҳалари ишлаб чиқарилиши соҳага қаратилган эътибордир. Музейлар моддий - маънавий меросини сақлашда дастлабки обект сифатида доимо ташкилотларнинг эътиборида бўлиб келмоқда. Музейларнинг зиммасидаги вазифалар қаторида ўзоро маданий алоқаларни шакллантириш ва ривожлантириш,расмий ва норасмий тарзда маърифат тарқатиш, ижтимоий бирлик ва барқарор тараққиётни ўрнатиш эканлиги ҳам мавжуддир.Музейлар –тарихий ,моддий маънавий ёдгорликларни тўплаш, сақлаш, ўрганиш, тарғиб этиш, илмий-маърифий маскан ҳисобланади.Музейларимиз ташкил топиш меъзонига кўра бир неча турлар билан номланади.Жумладан-Тарих музейлари Ўзбекистон худудида жойлашган ва архиология музейлари тарихий-маданий жараёнларнинг энг қадимги даврлардан бошлаб ҳозирга қадар бўлган тараққиётнинг ашёвий далиллар ва архиологик топилмалар орқали намоиш этишга қаратилган.Бу турдаги музейларга Ўзбекистон тарихи давлат музейи,Темурийлар тарихи давлат музейи,Қатағон қурбонлари хотира музейи,Термиз архиология музейи кабилар киради. Навбатдагиси эса “Ўлкашунослик музейлари” бўлиб, ушбу музейлар маълум бир худудга оид бўлган музейлар бир худудга оид бўлган музей ҳиссобланиб,тарих, архиология, зоология, этнология, флора, фауна, санъат ва маданиятга оид экспонатлар ўрин олади. Хусусан Қўқон шахри ўлкашунослик музейи 1924-йилда қишлоқ хўжалиги кўргазмаси асосида ташкил топган. Музей биноси 1871 йилда қурилган бўлиб, ноёб меъморий обида ҳиссобланади.Музейда Қўқон тарихини очиб берадиган экспозитцион материаллар жамланган бўлиб, янги биноларнинг курилиши, темир йўллар, 1906 йилда биринчи поезднинг келишига оид маълумотлар ўрин олган.Ҳозирги кунда юртимизда 130 дан зиёд турли кўриниш ва йўналишлардаги музейлар фаолият олиб бормоқда. Бу соҳани асосан музейшунослик мутаҳасис-лари ўрганишади ва унинг асл



моҳиятларини очиб берадилар. Музейшунослик музеология – музейлар тарихи, уларнинг ижтимоий вазифалари, музей иши назарияси ва методикаси масалаларини ўрганадиган фан тармоғи ҳисобланади. Музейшунослик тизимиға оид бўлган илмий музей иши назарияси, музей тарихшунослиги, музей манбаашунослиги, музейлар ва музей тадқиқотларини фаолиятига доир барча ўзига ҳос томонларини ўрганувчи илмий методика киради. Музейшунослик музей буюмларини жамлаб бориш, музейга келган зиёратчиларни ўрганиш жараёнида дала тадқиқотларини усуллари ва бевосита мунтазам қузатув ишлари, ижтимоий усулларини қўллайди. Шунингдек музей тарихий, моддий ва маънавий ёдгорликларнитўплаш, сақлаш, ўрганиш, тадбиқ этиш ишларини амалга оширувчи муассасадир. Музейларҳазидасида асосан моддий ва тасвирий нарсалар, шунингдек санъат асарлари, қадимий қўллэзма асарлари, тарихий қимматга эга бўлган турли асори-атиқалар сақланади. Музей тоифасига кўра бир неча турлари мавжуд бўлиб, жумладан тарих музейлари Ўзбекистон худудида жойлашган тарих ва архиология музейлари тарихий-маданий жараёнларнинг энг қадимги даврлардан бошлаб ҳозирга қадар бўлган тараққиётининг ашёвий далиллар ва архиологик топилмалар орқали номоиш этишга қараталган. Бу турдаги музейларга Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Темурийлар тарихи давлат музейи, Қатоғон қурбонлари хотира музейи, Термиз архиология музейларини мисол этиш мумкин. Шу жумладан ўлкашунослик музейлари ҳам мавжуд бўлиб, ушбу музейлар маълум бир худудга оид бўлган музей ҳисобланиб, тарих, архиология, зоология, этнография, флора ва фауна, санъат ва маданиятга оид экспонатлардан иборат бўлади. Хусусан, Қўқон шаҳар ўлкашунослик музейи 192 йилда қишлоқ ҳўжалиги кўргазмаси асосида ташкил этилган. Музей биноси 1871-йилги тарихий обидадир. Шу жумладан Ўзбекистонда мавжуд музейлар борасида маълумотлар борасида манбаалар устида жуда кенг миқиёсда илмий-тадқиқотлар олиб борган музейларимиздан бири бу кекса ҳисобланган Фарғона водийси музейи ҳисобланади.



ФАРГОНА ВОДИЙСИННИГ КЕКСА МУЗЕЙИ- 19-асрнинг охирларига келиб, Фарғона водийсида илк “Фарғона оммабоп музейи” ташкил этилиб, дастлаб унинг фонди 2223 та буюм ва китоблардан иборат бўлган.Кейинчалик шахсий хайриялар,хусусан музейнинг қошида очилган маҳсус кулуб аъзолари томонидан топширилган буюмлар ҳисобига музей фонди бойиб борди.Музейга 1938-йилдан “Вилоят ўлкашунослик музейи” , 2017-йилдан эса “Фарғона вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи “ номи берилади. Ҳозирги кунда хазина жамланмалари сони 90 мингдан зиёд бўлиб, 700 дан ортиғи ноёб топилмалар ҳисобланади.Музейнинг тарих, табиат, архиология, Ўрта асрлар тарихи, Кўқон хонлиги, 20-аср тарихи экспозитциялари мавжуд.Қўлёзма ва хужжатлар тўпламлари асосан Кўқон хонлари Мадалихон, Шералихон ва Худоёрхонлар томонидан берилган ёрлиқлар,Худоёрхоннинг Қурон китоби, Ҳофиз Шерозий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Фузулий, Бедил кабиларнинг қўлёзма асрларидан ташкил топган.Тасъвирий санъат асарларидан А.Н.Волковнинг “ Кузги кун” 1939 йилги, “Боғда” 1939 йилги , “Анор терими” 1950 йилга, М.Н.Янсиннинг “ Водий” ва “ Қишлоғ манзараси” 1930 йилги, П.М.Никифировнинг “ Самарқанд Бибихоним” ва “ Самарқанд Бурхониддин мақбараси” 1930 йилги, Н.В.Кашинанинг “ Гиламдўзлар” 1954 йилги, “ Самарқанд бозори “ каби нодир асарлари мавжуд.Музейда шунингдек ёғоч, металл, сопол, мато, заргарлик, қурол-аслаҳа, нумизматикага оид экспонатлар наъмуналари турли асрларга оид ҳисобланади. Фарғона вилояти Марғilon шаҳрида Эркин Воҳидов мемориал музейи ҳамда Учқўприк туманида Ҳазиний уй-музейи ташкил топган. Ушбу турли музейлар Фарғона вилоят тарихи ва маданияти давлат музейининг филиали сифатида фаолият юритади.Ўзбек халқининг атоқли шоири Эркин Воҳидов ҳамда Ҳазиний ижодини тўлақонли ўрганиш, кенг тарғиб қилиш, номларини абадийлаштириш, ёшлар ўртасида адабий мухитни янада кенг ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2019 йил 26 июлда “Эркин Воҳидов мемориал



музейи ҳамда Ҳазиний уй-музейи фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ги қарор қабул қилинган эди. Бу музейларда маданий-маърифий тадбирлар, атоқли шоир ва ёзувчилар ҳаётини ҳамда ижодига боғишиланган давра сухбатлари, учрашувлар ташкил этиш учун шарт-шароитлар яратилган. Музей жамланмалари асосан Эркин Воҳидовнинг ва Ҳазинийларнинг ҳаёти - ижодига оид турли буюмлар, уларнинг кўлёзмалари, асарлари, турли хужжатлари мавжуд бўлиб, улардан экспозитциялар ташкил этилган. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг баъзи худудларида шу жумладан Фарғона водийсида ҳам энг қадимги тарих-ибтидоий одамлар яшаган жойлар узоқ вақт ўрганилмаганлиги учун ва бу иш асосан асримизнинг ўттизинчи йилларидан кейинги тадқиқ этила бошлагани учун ҳам буржуа даври тарихчилари “Осиё ҳалқарини тарихи йўқ уларнинг маданияти эса қўшни Шарқ мамлакатлари таъсирида фақат ўрта асрлардагина таркиб топган “деган баъзи бир нотўғри фикрларни билдиргандилар. Тарихимизни олимларимиз илмий асослаганлари натижасида Ўрта Осиё шу жумладан Фарғона водийсининг тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалганлиги ўз исботини топди. Фарғона фодийси тарихида қўйдаги босқич манбаалари илмий асосланди.

САМАРҚАНД АФРОСИЁБ МУЗЕЙИ. Самарқанд давлат бирлашган тарихий-меъморий ва бадиий музейи қўриқхонасининг нумизматика жамланмасида 33 мингдан зийд асори – атиқалар сақланмоқда. Нумизматик жамғарманинг асосий қисмини Марказий Осиёда жумладан ҳозирги Ўзбекистоннинг худудларида зарб этилган тангалар ва Қадимги Юнонистон, Рим, Шимолий Кора денгиз бўйи шахар давлатлари тангаларидан ташкил топган. Эрамиздан аввал 6-асрда ҳукум сурган Лидия кумуш тангаси музей жамланмасининг энг қадимги экспонатларидан бири ҳисобланади. Жамланманинг яна бир қадимий тангаси наъмунаси бу эрамиздан аввалги 7 асрга оид бўлган тангалар бўлиб, у Эгин оролига мансублиги аниқланган. Тангаларнинг орасида Афина шаҳрининг ҳомийси Афина Паллада ва унинг атрибут бўлган бойўғли тасвири зарб этилган



танган ҳам тарихий аҳамиятга эгадир. Кичик Осиёдаги унча катта бўлмаган Кария давлатида эрамиздан аввалги 4-асрда яшаган шоҳ Мавсол номидан зарб этилган алоҳида дикқатни жалб этади. Дафн иншиотларининг мақбара деб аталишини шу шоҳ номи билан боғлайдилар. Мазкур танганинг олд томонида қуёш тимсоли бўлмиш эрқак кишининг боши, орқа томонида Зевс тасвири тушурилган. Асс деб номланган мис тангаларнинг олд-аверс томонида қуёш қиёфасидаги илоҳа Януснинг бўртма тасвири бўлса, унинг иккинчи томонида кеманинг олд кўриниши мавжуд. Нумизматика жамланмасида 450 дона Рим тангалар сақланиб келмоқда. Уларни кузатилса, Рим империяси даври тарихини ўрганиш мумкин. Шунингдек жамланмада мавжуд бўлган Рим тангалари тасвирлари бор асалар ҳар асори – атиқалар ичидаги учрайди. Тангалар оламида турли катталик вазн ташкил этганлари ҳам бўлган. Шундай улкан танганинг вазни 888 дан тортиб 1024 граммгача бўлган. Диаметри эса 76 мм, баландлиги эса 35 мм бўлган. Бу танган 1771 йилда Сестрорецкий заводида ишланганлиги тангада қайд этилган. Юнон–Бақтерия давлати тангалари эрамиздан аввалги 3-асрга оид бўлиб, олий медаль санъати хиссобланади. Шоҳларнинг тасвирлари – шаҳаншоҳнинг илоҳийлаштирилган тимсоли бўлмай, теран реаллик хусусиятларига эга портрет кўринишида акс этган. Масалан Евтидемнинг эрамиздан аввалги 235-200 йилларнинг тангалари шоҳ турли ёшда тасвирланган, гоҳ ўсмир, гоҳ йигит, гоҳида муйсафид. Шунингдек Юнон–Бақтрия тангаларидаги илоҳлар икона графияси қадимги юнон санъатининг энг яхши наъмуналари дандир. Ўрта аср даври нумизматика фонди жамланмаси алоҳида тангалари шаклида ва хазина кўринишида тақдим этилган. 1984-йилда Самарқанд вилояти худудидан топилган 4493 та тангадан иборат катта хазинасини таркибига 11-асрга оид 355 дона қорахонийларнинг кумуш дирҳамлари ва 4000 дан зиёд бухорхудотларнинг “Қора дирҳам” и тангалари кира-ди. 13-асрнинг иккинчи ярмида Самарқанд ва унинг атрофлари учун зарб этилган, четига кумуш суви юритилган тангалардаги “таҳдидли ёзувлар” и бор танганлар ҳам мавжуддир. Уларда



ушбу ёзувлар битилган “ Кимки бу тангани олмаса, у жиноятчидир”. Қадими Самарқанд нумизматикаси таркибида юқоридагилардан ташқари яна 19-аср сув хўжалигига иод бўлган манбааларни ёритувчи экспонатлар ҳам бор. Жумладан :турли сув иши билан машғулларнинг нишонлари, яъни ариқ оқсоқоли, мироб нишони кабилар шуларнинг жумласидан ҳиссобланади.

“ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИ” - Ўзбекистон маданияти тарихи Давлат музейидан бири бўлиб, у 1896 йилда ташкил этилган эди.Хозирги кунгача унинг фондидан алоҳида илмий ва тарихий- маданий қимматга эга бўлган минглаб ноёб экспонатлар мавжуддир. Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, рус зиёлийларининг Туркистонга бўлган улкан қизиқиши ўлка этнографияси, тарихи ва иқтисодиётини ўрганиш бўйича қатор ҳарбий-сиёсий ва илмий экспозитцияларда ташкиллаштирилиш вақтида намоён бўлганди. 19-асрнинг 40-50-йилларида нафакат рассомлар,балки ҳарбий юришлар воқеанависи сифатида фаолият юритган,илмий этнографик экспозитцияларда хизмат кўрсатган ҳаваскор рассомлардан иборат грухлар Туркистон ўлкасига ташриф бўюради. Улар томонидан яратилган турли жанрдаги асарлар намоишлари бўлиб ўтади ва айримлари музейлар ҳазинасида олиб қолинади.Ушбу асрларда ўлкамизнинг ҳовузлари,қадими масжидлари, ёдгорликлари, авлиёлар мазорлари, ўзбек ҳалқининг турмуш тарзи, ҳаёти рассомлар асарларида ўз аксини топганди. Яна бу асарларда одамларни кенг либослари, Шарқ меъморчилиги, порлоқ қуёш ва мовий осмонини акс эттирилган.Самарқандлик рассом Леон Бурэ 1897 – 1943-йилларда яшаб ижод этган бўлиб, унинг графика асрлари хам тасвирий асарлар ичida машхурдир. Унинг 400 дан зиёд асарларида Бухоро ва Самарқанднинг қадими обийдаларини, кўчаларини, табиатини, бозорларини ва маҳаллий ахоли ҳаёт тарзини мўйқалам орқали мохирона тасвирлаган.Самарқанднинг тарихий масканлари борасида сўз кетар экан, куйдагиларни ҳам эътироф этиш жоиз ҳиссобланади.2016-йилда Самарқанд



Давлат Бирлашган тарих-архитектура ва бадиий музей – қўриқхонаси ўзининг 120 йиллик санасини нишонлади. Музей-қўриқхона Самарқанд вилоятининг 16 та музей ва меъморий мажмуаларини ўзида мужассам этган бўлиб, жамланмаларида Ўзбекистон ҳалқининг бой тарихи ва маданиятини акс эттирувчи 220 мингдан зиёд экспонатларни асрар келмоқда. Ташриф буюрган барча ёшдаги зиёратчилар музей экспозитцияси орқали аждодлари томонидан ясалган турли уй-рўзғор буюмлари, заргарлик тақинчоқлари, сопол,металл,мис, бронзадан ясалган асори-атиқалар ва турли даврларда яшаб ўтган мусаввирларнинг турли жанрлардаги асарлари, миллий каштачилик наъмуналари, қурол-аслаҳалар, тангашуносликка оид экспонатлар билан танишиш имконига эгадирлар.

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ МУЗЕЙИ ФОНДИДАН- Ушбу музейда бадиий нақшу - нигор чекилган буюмлар,меъморий деталлар ва мебиллардан тортиб турли ёғоч буюмлар,мусиқа асборлари, эгар ва турли рўзғор буюмлари 19-аср охири – 20 – аср бошларига оид экспонат коллекциялари сақланади. Нақшли экспонатлар Хива, Қўқон, Бухоро, Самарқанд, Марғилон, Фарғона, Тошкент, Андижон ва Наманган хунармандларининг қадимий хунармандчилиги наъмуналари ҳисобланади. 19-аср охири ва 20 аср бошларидаги бу экспонатлар ислимий ва хандасавий усуулларда ясалган бўлиб, бўёқлари ва шакллари бир-биридан фарқланиб туради.Музейда асосан Тошкент,Бухоро, Наманган сингари марказлардан келтирилган ёғоч буюмлардан экспозитциялар ташкил топган ва намоиш этилади.Музейда мавжуд бўлган меъморчилик мавзуига оид энг қизиқарли экспонатлардан танаси ва устун боши нафис нақшу нигор билан қопланган ўймакор ёғоч устун бошқа жойларда учрамайди. Нақши нигорнинг кенг тарқалган турларидан бири ислимиdir. Печакгул ва спиралсимон пояли ўсимликлар мавзуси унга асос бўлиб ҳизмат этади.Ёғочдан ясалган нақши нигорларда ислимиининг ислими меҳроб,ислими гул, ислими патнис каби турлари қўлланилган. Бундай усууллар чолғу экспонатларида ҳам учрайди. Ўзбекистон давлат санъат музейидаги мавжуд залларида нақшу нигорлар ва





ўйма гуллар билан қопланган ёғоч буюмлар номоиш этилади, булар турли носқовоқлар бўлиб, уларга 1930 – йиллар санаси қўйилган. Уларнинг асосий маркази Самарқанд ҳисобланади. Носқовоқларнинг шакли, ўлчами, гул чизиш усуллари билан бир-биридан фарқланади. Музейдаги 1920-1930-йилларга оид буюмларда қўпинча ўша даврда кенг тарқалган автомобиллар, самалётлар тасвирлари тасвирланган.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ТАРИХИ ВА МАДАНИЯТИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИ - 1934 – йили Андижон бўйлаб ўтган қишлоқ хўжалиги кўргазмаси Андижон музейида ташкиллаштирилиши ўзига хосдир. Иш фаолиятлари мобайнида музейнинг етук мутаҳасислари – яъни тарихчилар, архиологлар, филологлар, геологлар, биологлар ва бир қанча соҳа вакиллари томонидан олиб борилган тадқиқотлар ва ўтказилган экспедитциялар натижасида топилган минглаб асори-атиқалар музей хазинаси жамланмасини янада боитди. Охирги маълумотларга кўра фонда 140 мингдан зиёд қадимий бўлган турли архиологик топилмалар, ранг тасвир асарлари, нумизматика, этнографияга оид бўлган экспонатлар, қўшимча равишда архив хужжатлари, қадимий битиклар, фотоматериаллар ҳам музей илмий тадқиқотлари натижасида музей жамланмаси боиди. 1982-йилда музей янги замонавий бинога кўчиб ўтади ва экспозитциялар янгитдан ташкил этилади. 2017-ЙИЛ Ўзбекистон Республикаси хукумати қарорига асосан Андижон вилоят ўлкашунослик музейи ҳамда Андижон вилоят адабиёт ва санъат музейлари бирлаштирилиб, номи “Андижон вилоят тарихи ва жойлашган маданияти давлат музейи” ташкил этилади. Унинг таркибига Пахтабод туманида жойлашган “Зокиржон Ҳабибий” ёдгорлиги филиали, Жоме меъморий мажмуасида жойлашган “Ҳалқ амалий санъати” ва “Адабиёт” бўлимлари, 19-асрга оид бўлган “Андижон қалъаси” обидасида жойлашган “Тасвирий санъат” бўлими, Бобур мирзо тахсил олган Хожар Нойиб мадрасасида жойлашган “Бобур уй музейи”, Чўлпон боғида жойлашган “Чўлпон” ёдгорлик музейлари киради. Музейнинг Шарқ қўлёзмалари секторида 2000 дан зиёд қўлёзма ва тошбосма асарлар мавжуд. Ушбу



асарлар араб,форсий ва туркий тилларда бўлиб, уларни илмий ходимлар томонидан ўрганиб чиқилган. 1956-1960-йилларда музейнинг илмий ходими В.И.Козенкованинг Қўрғонтепа туманида жойлашган Файраттепа қалъасида илмий тадқиқот ишлари олиб бориши натижасида диний маросимлар ўтказиш учун мўнжал қилинган 1-4- асрларга оид қалъа очилади. Бундан ташқари музей ходимлари архиолог Б.Абдулғозиева рахбарлигида вилоятимизнинг Пахтабод туманидаги Ҳилла ариқ, Асака туманидаги Шўртепа, Марҳамат туманидаги Лўмбитепа, Балиқчи туманидаги Сортепа, Қўрғонтепа туманидаги Султонобод, Қўрғонтепа шаҳарчалари, Андижон шаҳридаги Сарвонтепа, Чордона ва бошқа қадимий манзилгоҳларда олиб борилган қазилмалар натижасида музей фондига юзлаб экспонатлар келтирилди.

СУРҲОНДАРЁ ВИЛОЯТ ТАРИХИ ВА МАДАНИЯТИ МУЗЕЙИ.

Сурхондарё музейи маданий маърифий муассаса. Термиз шаҳрида 1934 йилда ташкил этилган эди. Дастлаб музей ҳалқ хўжалиги кўргазмасига асосланиб очилади. Музейда Термиз ва термизий алломалар тарихи, қадимшунослик ва тангашунослик, ҳалқ оғзаки ижоди, этнографияси, ҳалқ амалий санъати, ўлка табиати, спорти, тасвирий санъат бўлимлари ҳамда 14 минг нусхадан зиёд асарлари мавжуд кутубхонаси бор. Музей фондига 64 мингдан ортиқ экспонатлар Сурхондарё вилоятининг энг қадим замонлардан ҳозиргacha бўлган тарихи ҳақида ҳикоя қилади. Турли асрларга оид заргарлик буюмлари, турли вақтларда зарб этилган тангалар, ҳунармандчилик буюмлари, ганж ўймакорлиги, турли асрга оид меъморий ёдгорликлар қолдиқлари, сопол буюмлар, ҳайкалчалар, тўқимачилик дасгоҳлари, уй –рўзғор анжамлари, қуроллар мавжуд. СУРҲОНДАРЁ ВИЛОЯТИ АРХИОЛОГИЯ МУЗЕЙИ-Марказий Осиёда ягона бўлиб, Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги муносабати билан 1998 йилда ташкил топган. Музейнинг заҳирасида 100 мингдан кўпроқ экспонатлари бор. Сурхондарё вилоят ўлкашунолик музейининг археология фондига



тегишли 8430 та, нумизматика фондига тегишли 5000 та экспонат музей ҳисобига ўтказилган. Ҳозирги кунда эуспонатларнинг умумий сони 20 мингдан зиёддир. 16 минг турли жанрдаги асарлар сақланади. Музейнинг куйдаги 9 та кўргазма зали мавжуд.

1. Сурхон воҳаси тон даври-милоддан аввалги 100-3- минг йилликлар бошлари.
2. Сурхон воҳаси жез даври-милоддан аввалги 3-1 минг йилликлар.
3. Қадимги Бақтрия маданияти- милоддан аввалги 1 минг йилликлар.
4. Бақтрияниң македониялик Искандар ва эллинистик давлатлар даври маданияти – милоддан аввалги 2-асрлар.
5. Қадимги Бақтерияниң Кушон маданияти-мелоддан аввалги 3 аср.

САМАРҚАНДДАГИ АФРОСИЁБ МУЗЕЙИ.

Самарқанд давлат бирлашган тарихий-меъморий ва бадиий музейи қўриқхонасининг нумизматика жамланмасида 33 мингдан зийд асори – атиқалар сақланмоқда. Нумизматик жамғарманинг асосий қисмини Марказий Осиёда жумладан ҳозирги Ўзбекистоннинг худудларида зарб этилган тангалар ва Қадимги Юнонистон, Рим, Шимолий Қора денгиз бўйи шахар давлатлари тангаларидан ташкил топган. Эрамиздан аввал 6-асрда ҳукум сурган Лидия кумуш тангаси музей жамланмасининг энг қадимги экспонатларидан бири ҳисобланади. Жамланманинг яна бир қадимий тангаси наъмунаси бу эрамиздан аввалги 7 асрга оид бўлган тангалар бўлиб, у Эгин оролига мансублиги аниқланган. Тангаларнинг орасида Афина шаҳрининг ҳомийси Афина Паллада ва унинг атрибут бўлган бойўғли тасвири зарб этилган тангар ҳам тарихий ахамиятга эгадир. Кичик Осиёдаги унча катта бўлмаган Кария давлатида эрамиз- дан аввалги 4-асрда яшаган шоҳ Мавсол номидан зарб этилган алоҳида диққатни жалб этади. Дафн иншиотларининг мақбара деб аталишини шу шоҳ номи билан боғлайдилар. Мазкур танганинг олд томонида қуёш тимсоли бўлмиш эркак кишининг



боши, орқа томонида Зевс тасвири тушурилган. Асб деб номланган мис тангаларнинг олди томонида қуёш қиёфасидаги илоҳа Януснинг бўртма тасвири бўлиб, унинг иккинчи томонида кеманинг олд кўриниши мавжуд. Нумизматика жамланмасида 450 дона Рим тангалар сақланиб келмоқда. Уларни кузатилса, Рим империяси даври тарихини ўрганиш мумкин. Шунингдек жамланмада мавжуд бўлган Рим тангалари тасвирлари бор асарлар ҳар асори – атиқалар ичидаги учрайди. Тангалар оламида турли катталик - вазн ташкил этганлари ҳам бўлган. Шундай улкан танганинг вазни 888 дан тортиб 1024 граммгача бўлган. Диаметри эса 76 мм, баландлиги эса 35 мм бўлган. Бу танган 1771 йилда Сестрорецкий заводида ишланганлиги тангада қайд этилган. Юнон – Бақтерия давлати тангалари эрамиздан аввалги 3-асрга оид бўлиб, олий медаль санъати хисобланади. Шоҳларнинг тасвирлари – шаҳаншоҳнинг илоҳийлаштирилган тимсолигина бўлмай, теран реаллик хусусиятларига эга портрет кўринишида акс этган. Масалан Евтидемнинг эрамиздан аввалги 200-235 йилларнинг тангалари шоҳ турли ёшда тасвирланган, гоҳ ўсмир, гоҳ йигит, гоҳида муйсафид. Шунингдек Юнон-Бақтрия тангаларидаги илоҳлар икона графияси қадимги юнон санъатининг энг яхши наъмуналари дандир. Ўрта аср даври нумизматика фонди жамланмаси алоҳида тангалари шаклида ва хазина кўринишида тақдим этилган. 1984-йилда Самарқанд вилояти худудидан топилган 4493 та тангадан иборат катта ҳазинасини таркибига 11-асрга оид 355 дона қораҳонийларнинг қумуш дирҳамлари ва 4000 дан зиёд бухорхудотларнинг “Қора дирҳам” и тангалари киради. 13-асрнинг иккинчи ярмида Самарқанд ва унинг атрофлари учун зарб этилган, четига қумуш суви юритилган тангалардаги “таҳдидли ёзувлар” и бор танганлар ҳам мавжуддир. Уларда ушбу ёзувлар битилган “Кимки бу тангани олмаса, у жиноятчиидир”. Қадимиј Самарқанд нумизматикаси таркибида юқоридагилардан ташқари яна 19-аср сув ҳўжалигига иод бўлган манбааларни ёритувчи экспонатлар ҳам бор. Жумладан турли сув иши билан машғулларнинг нишонлари, яъни ариқ оқсоқоли, мироб нишони



кабилар шуларнинг жумласидан ҳиссобланади.Му-зейлар жамланмаларида турли даврлардаги тангалар турли тарихий манбааларни ёритиб беради.Дастлабки муомуладаги товар алмашлардан токи танга ва пул муомуласига ўигунга қадар инсон онги ўсиб бориши, олди-бердини шаклланиши, тангаларни ҳосил бўлиши,тангалардаги турли мавзуларга оид тасвиirlар ва ёзувларнинг ранг-баранглиги, уларнинг қадрд-қимматларини ўзгариб бориши бўларнинг барчаси нумизматика тарихининг келиб чиқишига асос бўлганди. Ўзбекистонтон маданияти тарихи Давлат музейидан бири бўлиб, у 1896 йилда ташкил этилган эди.Хозирги кунгача унинг фондидан алоҳида илмий ва тарихий- маданий қимматга эга бўлган минглаб ноёб экспонатлар мавжуддир. Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, рус зиёлийларининг Туркистонга бўлган улкан қизиқиши ўлка этнографияси, тарихи ва иқтисодиётини ўрганиш бўйича қатор ҳарбий-сиёсий ва илмий экспозитцияларда ташкиллаштирилиш вақтида намоён бўлганди. 19-асрнинг 40-50-йилларида нафақат рассомлар,балки ҳарбий юришлар воқеанависи сифатида фаолият юритган,илмий этнографик экспозитцияларда хизмат кўрсатган ҳаваскор рассомлардан иборат рассомлар Туркистон ўлкасига ташриф бўюради.Улар томонидан яратилган турли жанрдаги асарлар намоишлари бўлиб ўтади ва айримлари музейлар ҳазинасида олиб қолинади.Ушбу асрларда ўлкамизнинг ҳовузлари,қадимий масжидлари, ёдгорликлари, авлиёлар мазорлари, ўзбек ҳалқининг турмуш тарзи, ҳаёти рассомлар асарларида ўз аксини топганди.Яна бу асарларда одамларни кенг либослари, Шарқ меъморчилиги, порлок қуёш ва мовий осмонини акс эттирилган.Самарқандлик рассом Леон Бурэ 1897 – 1943-йилларда яшаб ижод этган бўлиб, унинг графика асрлари ҳам тасвирий асарлар ичida машхурдир. Унинг 400 дан зиёд асарларида Бухоро ва Самарқанднинг қадимий о ТУМАН ОФО МАЖМУАСИ- Самарқанддаги 14-асрга оид ёдгорлик.Мажмуа Амир Темурнинг хотини Туман оға шарафига курилган.15 аср охирида қайта таъмирланган эди.Мақбара хочсимон тарҳли,мовий гумбазли, пойгумбази баланд кўринишида.6 қиррали кошин



гишли кўринишда якунланган.Ички безагида турли рангларда чизилган расмлари мавжуд.Мақбаранинг жанубида З гумбазли масжид қад кўтарган.Шорҳизинда ансамбилининг юқори груҳида жойлашган ушбу ёдгорликларга юқори томондан кириладиган йўлаги бор.Мавжуд хуҷраларга амир Мусо қизи Туман оғо асос солинганлига битилган.Обийдаларини, кўчаларини, табиатини, бозорларини ва маҳаллий ахоли ҳаёт тарзини мўйқалам орқали моҳирона тасвирлаган.Самарқанднинг тарихий масканлари борасида сўз кетар экан қўйдагиларни ҳам эътироф этиш жоиз ҳисобланади.2016-йилда Самарқанд Давлат Бирлашган тарих-архитектура ва бадиий музей – кўриқхонаси ўзининг 120 йиллик санасини нишонлади. Музей-кўриқхона Самарқанд вилоятининг 16 та музей ва меъморий мажмуналарини ўзида мужассам этган бўлиб, жамланмаларида Ўзбекистон ҳалқининг бой тарихи ва маданиятини акс эттирувчи 220 мингдан зиёд экспонатларни асраб келмоқда. Ташиф буюрган барча ёшдаги зиёратчилар музей экспозитцияси орқали аждодлари томонидан ясалган турли уй-рўзғор буюмлари, заргарлик тақинчоқлари, сопол,металл,мис, бронздан ясалган асори-атиқалар ва турли даврларда яшаб ўтган мусавиirlарнинг турли жанрлардаги асарлари, миллий каштачилик наъмуналари, қурол-аслаҳалар, тангашуносликка оид экспонатлар билан танишиш имконига эгадирлар.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.

1. “Мозийдан садо” – илмий-амалий,маънавий-маърифий журнал.
2020-2021-2023-2024-йиллар сонлари.
2. “Санъат” – Ўзбекистон бадиий академияси журнали-2022-2024-йил.
3. “ Гулистон ” – ижтимоий-сиёсий,илмий-бадиий,маданий-маърифий журнал. 2021-2023-йил.





**Ilim fan taraqqiyotida raqamli iqtisodiyot va
zamonaviy ta'limning o'rni hamda rivojlanish omillari**

4. “ Наманган вилояти ” – Т. Абдуллаев. 1995-йил. Наманган нашри.
5. “ Наманган вилояти зиёратгоҳлари ” – 2015-йил. Наманган нашри.
6. “ Қадимги Фарғона сирлари ” Й. Қосимов. 1992 йил Наманган нашри.



7.